Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 80 (5371).
7 АПРЕЛЬ 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Бош комитети СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган брошюралар, китоблар, альбомлар ва бошқа босма маҳсулотларни юксак полиграфия даражасида босиб чиқарганлиги учун Халқлар Дўстлиги орденли «Ўзбекистон» республика нашриётини СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг қатнашчиси деб тасдиқлади ва уни биринчи даражали диплом билан мукофотлади.

Рассом А. А. Сухарев кумуш медаль билан, нашриёт редакцияларининг мудирлари Р. Р. Абдураҳмонов, С. Давлетов, Р. Х. Аванесов, нашриёт бош рассоми К. Б. Алиев бронза медаллари билан мукофотландилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Коммунистик шанбаликлар халқаро байналминал ҳаракатининг 114 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликларда ишлаш этиш ва ўтказиш тўғрисида ва бўйича шаҳар штаблари кўп. Моддий ишлаб чиқариш соҳасига янги партия кучлари оқими кўпаймоқда. Нефть, кўмир, газ, электрон, микробиология, алоқа воситалари каби саноат тармоқлари корхоналарида коммунистлар сони энг кўп ортди. Қишлоқ партия ташкилотларида чорвадорлар ва механизаторлар сони кўпаймоқда. Партия комитетлари янги аъзолар билан тарбиявий ишларни, уларни ғоявий-сиёсий ва маънавий чиниқтиришни кучайтирмоқдалар. КПСС Уставига, партия турмуши, нормаларига риоя этиш учун партия аъзолари ва аъзоликка кандидатларга нисбатан талабчанлик оширилмоқда, коммунистларнинг ўзаро талабчанлиги кучайиб бормоқда.

Шу билан бирга партия ташкилотларининг партияга қабул қилиш ва коммунистларни тарбиялаш соҳасидаги иш практикасида ҳали камчиликлар мавжуд. Баъзи партия комитетлари партия сафларини саноат етакчи тармоқларининг, қурилиш, транспортнинг ўзини яхши кўрсатган кадр ишчилари ҳисобига тўлдириш тўғрисида, бригадалар ҳамда чорвачилик фермалари коллективларини коммунистлар билан мустаҳкамлаш ҳақида доимий ғамхўрлик қилмаяптилар. Ёш коммунистлар билан ишлаш ҳамма жойда ҳам етарли даражада деб бўлмайди.

Сиёсий бюро иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига КПССга қабул қилиш билан боғлиқ ишларни яхшилаш, партия сафига қабул қилинадиган кишиларга нисбатан талабчанликни ошириш, уларни яна ҳам пухтароқ якка-якка танлаб олишни таъминлаш ҳамда коммунистларни тарбиялаш юзасидан зарур чоралар кўришни топширди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида совет мактабини ислоҳ қилиш учун белгиланаётган амалий тадбирлар тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқилиб маъқулланди. Бу тадбирлар умумий таълим мактаблари ишини, мактаб ўқувчиларининг меҳнат тарбияси ва касбга йўналтирилишини яхшилашга, ҳунар-техника таълимини янада ривожлантиришга, болаларни мактабгача жамоатчилик тарбияси даражасини оширишга, шунингдек, педагог кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришга, улар учун энг яхши меҳнат ва турмуш шароитларини вужудга келтиришга, ўқитувчиларнинг ва халқ маорифи бошқа ходимларининг иш ҳақини оширишга қаратилгандир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси К. У. Черненко, Г. А. Алиев, А. А. Громико ва Д. Ф. Устинов ўртоқларнинг Эфиопия Муваққат ҳарбий-маъмурий кенгаши ва Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссиясининг раиси Менгисту Хайле Мариам билан ўтказган учрашув юзасидан суҳбатларининг якунларини муҳокама этиб, маъқуллади. Совет Иттифоқи билан Эфиопия, КПСС билан ЭМПТК ўртасидаги самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш, ҳозирги халқаро вазиятнинг, империализм ва янги мустамлакачилик кучларига қарши, социал тараққиёт, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашнинг энг муҳим масалалари юзасидан уларнинг қарашлари бирлиги катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий бюро А. А. Громикоинг МХРП Марказий Комитети аъзоси, Монголия Халқ Республикаси ташқи ишлар министри М. Дугэрсурэн билан, шунингдек, Индонезия ташқи ишлар министри М. Кусумаатмажа билан олиб борган музокаралари тўғрисидаги ахборотни тинглаб маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакатимиз ташқи ва ички сиёсатига доир бошқа баъзи масалалар кўриб чиқилди.

ЛАУРЕАТЛАРИМИЗНИ ҚУТЛАЙМИЗ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ партия комитети ва область касаба союзлари Совети 1983 йил иш якунлари бўйича меҳнатда энг юқори кўрсаткичларга эришганлиги ҳамда ижтимоий ҳаётда актив иштирок этганлиги учун меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган Тошкент шаҳрининг ишлаб чиқариш илғорларидан 18 кишига Тошкент область мукофоти лауреати унвонини бердилар.

Тошкент шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети, район партия ва ижроия комитетлари, область касаба союз комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларига область мукофоти лауреатлари муваффақиятларини кенг пропаганда қилишни уюштириш, уларнинг иш тажрибасини умумлаштириш ва коллективлар ўртасида кенг ёйиш таклиф қилинди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» ва «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияларига 1983 йил Тошкент область мукофоти лауреатлари иш усулларини кенг ёритиш вазифаси топширилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ҚУЙИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ УНВОНИНИ БЕРДИЛАР

Машинасозлик ходимлари мукофоти лауреати

Ғаниев Абдулхолиқ Холмуродович — «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ильич номли тажриба-механика заводи слесарлар бригадаси бошлиғи.

Калиниченко Анна Ивановна — Тошкент абразив комбинати олмосни синтез қилиш цехининг ишчиси.

Шуленин Николай Дмитриевич — Тошкентдаги компрессор заводи асбобсозлик участкасининг слесари.

«Маърифатчи» мукофоти лауреати

Муҳаммаджонов Илҳом — «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонаси созловчилар бригадаси бошлиғи.

Электрон саноати ходимлари мукофоти лауреати

Давидов Виктор Никифорович — Ўрта Осиё монтаж-технологик бошқармасининг монтажчи-пайвандчиси.

Энергетиклар мукофоти лауреати

Ерасин Геннадий Дмитриевич — Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси тақсимлаш тармоқлари хизматининг электромонтер-кабелчиси.

Йўлдош Охунбобоев номидаги мукофот лауреати

Ражабов Карим Турсунович — Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ш. Р. Рашидов номидаги тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг ишчиси.

Володина Мария Ивановна — «Қизил тонг» тикувишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи мотористкаси.

Азларова Маҳбуба — чармгалантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси қўлқоп цехи тикувчиси.

«Сервис» мукофоти лауреати

Собиров Қодир — «Водоканал» трести водопровод тармоқлари бошқармасининг слесари.

Сотибалдиев Олимжон Маҳмудбекович — «Зангори экран» шаҳар ишлаб чиқариш бирлашмасининг радио механиги.

Маҳаллий саноат ходимлари мукофоти лауреати

Тошмуҳамедова Маъмура — бадиий буюмлар фабрикаси каштачиси.

«Бунёдкор» мукофотининг лауреати

Юнусов Абдуазим Обидович — «Главташкентстрой»нинг 159-қурилиш трестига қарашли 22-қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи.

Усмонов Қобил — «Главташкентстрой»нинг «Строймеханизация» трестига қарашли 54-механизация бошқармаси минорали кран машинисти.

«Гранит» мукофоти лауреати

Фозилов Зоир — Тошкент бинокорлик материаллари комбинати кенг истеъмол буюмлари цехининг куйдирувчиси.

Автотранспорт ва тош йўллар ходимлари мукофоти лауреати

Миржалилов Тўхтамурод Мирфайзиевич — «Главташпассавтотранс» бошқармаси 3-автобус паркининг ҳайдовчиси.

Алоқа ходимлари мукофоти лауреати

Звягин Владимир Владимирович — Тошкентдаги «Промсвязь» заводи механика-тайёрлов цехининг асбобсоз-слесари.

«Лаззат» мукофоти лауреати

Зайниддинова Лола Аъзамовна — Тошкент ёғ-мой комбинати майонез цехи контролер-аппаратчиси.

21 апрель — Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбалик

ШАҲАР МЕҲНАТ БАЙРАМИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Кеча Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин раислигида В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликларда ишлаш этиш ва ўтказиш бўйича шаҳар штабининг навбатдаги мажлиси бўлди. Акмал Икромов, Собир Раҳимов ва Фрунзе районларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнат байрамига тайёргарликнинг борши ҳақидаги ҳисоботлар тингланди. Район партия комитетларининг биринчи секретарлари Ҳ. Камолов, А. Фозилбеков, С. Хўжаева, шунингдек Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи Ш. Исломовнинг ахборотлари тингланди.

Бундан ташқари «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияларининг шаҳар «Оқшом» газеталари саҳифаларида Ўзбекистон пойтахти меҳнат коллективларида коммунистик шанбаликка тайёргарликнинг ёритилиши масаласи ҳақидаги ахборот ҳам тингланди.

• Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ЯКУНЛАР ЧИҚАРИЛДИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Козимов раислик қилди. Мажлисда 1984 йил январь-март ойларида шаҳар хўжалигининг социал-иқтисодий ривожлантириш планлари, бюджет ва социал мажбуриятларнинг бажарилиши якунлари муҳокама қилинди.

Қатор раҳбарларнинг коллективлар ишининг аҳволи ва турли техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича квартал планидаги қолоқликнинг сабаблари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Мажлисда Олмаота кимё-газлама комбинати тўқимачиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, шаҳар Совети депутати Лидия Кочеткованинг бир беш йиллик ва икки беш йиллик планининг бажарилиши юзасидан ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ЖАСОРАТ ДАРСИ

Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. С. Содиқовнинг сўзларини Совет Армияси сафига чақирилувчи ёшлар роят эътибор билан тингладилар. У район меҳнат коллективларининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси-нинг 60 йиллигини фидокорона ва зарбдор меҳнат билан кутиб олишга аҳд қилганликлари ва ўз аҳдларига вафо қилишаётгани ҳақида ҳикоя қилиб берди. Бунда ёшларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор, албатта.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Н. К. Абубакиров, район ҳарбий комиссари Д. П. Зарвирог, запасга бўшатилган А. Мавлонов, ёзувчи В. В. Дементьев чақирилувчиларга совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари ҳақида гапириб беришди.

Ёшлар билан учрашувда Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. С. Киселёв иштирок этди.

Чақирилувчилар кунини ўтказиш районда анъана тусини олган. У ёшларни Совет Армияси сафида хизмат қилишга тайёрлашда ўзига хос жасорат дарси вазифасини ўтамоқда.

• Воқеадан сўнг...

ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

(Репортаж)

Кеча Тошкентда Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари С. Т. Алиев «КПСС Марказий Комитетининг февраль (1984 йил) Пленуми, ВЛКСМ XIX съезди қарорлари асосида комсомол ишларининг услуб, форма ва методларини такомиллаштириш, бошланғич комсомол ташкилотларининг жанговарлигини ошириш юзасидан шаҳар комсомол комитетларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди. Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. П. Володарский қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Пленумда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Тошкент ёшлари ҳозир мамлакатнинг йирик халқ хўжалик объектларида меҳнат қилмоқдалар. Байкал-Амур магистрали, «Атоммаш», Иваново, Тюмень, Сургутда серқуёш шаҳримизнинг вакиллари меҳнатидан жуда мамнун бўлишяпти.

Қаерда қийинчилик бўлса, комсомоллар ўша ерга бориб ишламоқдалар. Ёшларнинг меҳнати, ёшлик ғайрат-шижоати қаерда зарур бўлса, комсомоллар ўша ерга бормоқдалар. Пленум минбаридан туриб Эльвира Валиева ёшларга шундай мурожаат қилди.

— Бизнинг меҳнатимиз фақат саноат объектлари ва қурилиш майдонларидагина эмас, балки хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам жуда зарурдир, — деди у. — Йигит ва қизлар хизмат кўрсатиш соҳаларига ҳали етарлича келишяпти, деб бўлмайди. Айниқса бу қизларга талаллуқлидир. Бугун мен сизларни, сиз азиз дугоналарни магазинларнинг пештахталари ёнида ишлашга даъват қиламан.

150 қиз — «Шуҳрат», «Ёшлик» мактаб-магазинларини битириб чиққан қизлар савдо шахобчаларига бориб ишлашга аҳд қилдилар.

... Оқшом тушиши билан, пленумдан сўнг ёш йигит ва қизлар Тобольск қурилишларига тантанали суратда кузатиб қўйилди.

— Бу Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилишларига жўнаб кетаётган биринчи комсомол отряди эмас, — деди Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг ишчи ёшлар бўлими мудири Жаҳонгир Назаров, — яқинда йигитларимиз БАМ, Ноқоратупроқ, Волгодонск, Ростов-Донга жўнаб кетдилар. Яқин кунларда эса комсомоллар отряди Сургутга жўнайди.

Тепловоз хайрлашаётгандек гудок беради. Қизил транспарантлар билан безатилган состав темир йўл вокзалидан қўзғалди. Ҳаётга йўлланма олган ёшлар, оқ йўл сизга!

Д. ВАЛЕРЬЯНОВ.

СУРАТДА: Ўзбекистон пойтахтининг оловқалб ёшлари.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада музика санъатини ривожлантириш ва ижодкор кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун композитор, Тошкент давлат маданият институтининг доценти ўртоқ Рашид Ҳамидович **Ҳамроевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми адабиёт соҳасидаги хизматлари учун ёзувчи Юсуф Мемет Болатни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали коллективи пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллиги олдидан катта кўргазма тайёрлашга киришди. Бу кўргазмадан Москвадаги В. И. Ленин Марказий музейидан Тошкентга совға қилиб юборилган нодир буюмлар, ҳамшаҳарларимиз, ҳаваскор рассом В. П. Малишев ишлаган доҳийнинг икки портрети, Озарбайжон рассоми Нажаф Қулийнинг «Музика тинглаб», япон рассоми К. Томитанинг «Ленин портрети», Бухоро зардўзлари ишлаган доҳий портрети намойишга қўйилади.

●

Собир Раҳимов номли маданият ва истироҳат боғидаги Фурқат ҳайкали олдида район китобеваргарлик, Тошкент Давлат университети ўқитувчилари ва студентлари, ўқувчилар, ёзувчилар ўзбек классик шоири Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат туғилган куннинг 125 йиллигини нишонладилар. Шеърият маросимида Фурқатнинг шеърлари, ўзбек адибларининг демократ шоирга бағишланган асарлари янгради.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 11 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди, кечаси 4—6, кундузи 18—20 даража иссиқ бўлади.

ЦЕХДА ЛЕКЦИЯ

«Тештекстилмаш» заводи партия комитетининг сиёсий маориф кабинети совети бевосита цехларда оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга эътиборни қаратмоқда. Бу иш «Билим» жамияти Фрунзе район ташкилоти билан узвий алоқада ташкил этилмоқда.

Корхона цехлари машинасозлари ҳузурида халқаро мавзуларда лекция ўқувчи малакали лекторлардан А. Самсонов, И. Иванников, А. Зимин, А. Бриль, Б. Сакауолов, И. Ненашев ва Л. Иконников-лар қизиқарли лекция ўқишди. Бу ерда лекция пропагандаси КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларидан корхона коммунистлари ва коллективи учун келиб чиқадиган вазифалар билан узвий боғлаб олиб борилмоқда.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ЎЙЛАЙМОҚДА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик бирлашмасининг жамоалари кўпайди. Портонининг барча модаллари илғари асосан эркакларга мўлжалланган бўлса, эндиликда сўнгги янгилик — аёлларнинг хушбичим ва кўркам костюми тикиб чиқарилмоқда.

«Ўзбекистон» савдо фирмаси магазинларига жўнатилган мана шундай костюмларнинг дастлабки туркумини харидорлар баҳонидил сотиб олдилар. Улар янги моделнинг бичими, танланган газламага мувофиқ баҳо белгиланаётган бўлса, эндиликда сўнгги янгилик — аёлларнинг хушбичим ва кўркам костюми тикиб чиқарилмоқда.

«Ўзбекистон» савдо фирмаси магазинларига жўнатилган мана шундай костюмларнинг дастлабки туркумини харидорлар баҳонидил сотиб олдилар. Улар янги моделнинг бичими, танланган газламага мувофиқ баҳо белгиланаётган бўлса, эндиликда сўнгги янгилик — аёлларнинг хушбичим ва кўркам костюми тикиб чиқарилмоқда. Бундай костюмлар кўплаб ишлаб чиқариладиган бўлди. Айни вақтда бирлашма модельерлари хотин-қизлар учун классик костюмларнинг яна икки хилини яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Бундай костюмларни шу йил охиригача ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

Партия йиғилишлари самарадорлигини оширайлик

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюроси «Чилонзор район партия ташкилотларида партия йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш практикаси ҳамда КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишда партия йиғилишларининг ролини ошириш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Чилонзор район партия комитети, партия комитетлари ва бюролари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира боришда, бунёдкорлик режаларини ҳаётга татбиқ этишда партия йиғилишларининг ролини ошириш бўйича иш олиб бормоқдалар. Йиғилишларда партия ташкилотлари фаолиятининг кўпгина аҳамиятли масалаларини кўриб чиқилмоқда ва ҳал этилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) ва февраль (1984 йил) Пленумлари қарорлари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича вазифалар роят активлик билан муҳокама этилди.

Маҳсулот сифатини яхшилаш, цех партия ташкилотлари, партия группалари, жамоат ташкилотларига раҳбарлик масалаларини йиғилишларнинг кун тартибига тез-тез қўйиладиган бўлиб қолди.

Коммунистларнинг ҳисоботларини, КПСС Устави талабларига риоя қилиш тўғрисидаги ахборотларни тинглаш кўпайди. Партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалаларига янада катта эътибор бериладиган бўлиб қолди.

Буларнинг ҳаммаси коммунистларнинг активлигини ошириш, ватанпарварлик ташаббусларини ёйиш, экономикани ривожлантиришда, маданий қурилишда муайян ютуқларни қўлга киритишга ёрдам бермоқда.

Шу билан бир қаторда бюро мажлисида Чилонзор район партия ташкилотида партия йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш практикасида камчилик ва нуқсонлар борлиги таъкидлаб ўтилди. Баъзи партия ташкилотларида партия йиғилишларини ўтказишнинг КПСС Уставида кўзда тутилган муддатларига риоя қилинмаяпти, кўпгина йиғилишларда коммунистлар давомати паст бўлмоқда. Кўпинча уларда кундалик ишлаб чиқариш фаолиятига доир, бир хилдаги масалалар кўриб чиқилади.

Йиғилишларининг кун тартиби ҳамиша ҳам партия ташкилотларининг роли ва вазифаларини акс эттиравермайди, қарорлар баъзан хўжалик раҳбарлари қабул қиладиган қарорларга ўхшаб қолади. Айни пайтда идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар жамоат тартибини бузувчиларга, ички-ликбозликка, социалистик мулкни талон-тарож қилишга қарши кураш, иқтисод ва тежамкорликка, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга доир кўпгина муҳим долзарб масалалар онда-сонда ва етарлича самарасиз кўриб чиқилмоқда.

Районда шартномада кўзда тутилган буюмларни етказиб бериш ҳисобга олинган ҳолда маҳсулотларни реализация қилиш планлари бажарилмаётир. Меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш паст, қурилиш ташкилотларида эса иш ҳақининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсишидан ўзиб кетмоқда. Беш йилликнинг ўтган уч йилида асосий фондларни ишга тушириш ва капитал маблағларни ўзлаштириш планлари бажарилмади. Айни вақтда эса ўтган йили бу нуқсонларга барҳам бериш бўйича коммунистларнинг вазифаларни партия йиғилишларига бор-йўғи ўн икки марта қўйилган, холос.

Бир қатор йиғилишларга бўш тайёргарлик кўрилади. Қабул қилинган қарорлар кўпинча конкрет бўлмайди. Баъзи қарорлар эса бажарилмайди. Социологик тадқиқот шуни кўрсатдики, коммунистларнинг 18 процентини партия йиғилишларини ўтказиш практикаси шунинг учун қониқтирмаяптики, уларда ҳадеб бир хил кишилар сўзга чиқади.

Район партия комитетининг бўлимлари бошланғич партия ташкилотларига ҳамиша ҳам амалий ёрдам кўрсатяпти деб бўлмайди. Шаҳар партия комитетининг бюроси қарор қабул қилиб, унда Чилонзор район партия комитети бюросига қайд этиб ўтилган мазкур нуқсонларга барҳам бериш, район партия ташкилотида партия йиғилишлари самарадорлигини ошириш вазифасини юклади.

Шаҳар партия комитети бюросида шунингдек, шаҳар партия ташкилотининг ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларини янада такомиллаштиришга қаратилган бошқа масалалар кўриб чиқилди.

ОЛИМПИАДА СОВРИНДОРЛАРИНИНГ МАҲОРАТИ

Сараево шаҳрида ўтказилган Олимпиада ўйинларининг совриндорлари ленинградлик Л. Селезнёва ва О. Макаров СССР чемпиони унвонини қўлга киритишди. Москвалик Е. Австрийская ва Ю. Квашнин кумуш, ленинградлик Е. Бечко ва В. Корниенко бронза медали билан тақдирланди.

Тошкентлик фигурачилар И. Шишова ва А. Сулаймонов эркин программани бажаришда маҳорат кўрсатиб 9-ўринни эгаллашди.

Бугун фигурали учиш бўйича мамлакат шахсий чемпионатида спорт жуфтлиги ва эркаклар ўртасида чемпионлар аниқланади. Эртага эса аёллар ўртасида ғолиблар аниқланади.

● ФУТБОЛ

«ШАХТЁР» (ДОНЕЦК) — «ПАХТАКОР» — 3:2

Кеча «Пахтакор» Донецк шаҳрида навбатдаги учрашувни ўтказди. Ҳамшаҳарларимиз 2:3 ҳисобида мағлубиятга учрашди.

● ШАХМАТ

ДАЪВОГАРЛАР МАТЧЛАРИДА

СОЧИ. Аёллар ўртасида шахмат тожига даъвогарлар И. Левитина ва Л. Семенова ўртасидаги ўн иккинчи партия ленинградлик шахматчининг ғалабаси билан якунланди. Шундай қилиб, И. Левитина жаҳон чемпиони М. Чебурданидзе билан учрашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

№ 4 (12)

ВАТАНПАРВАР

«ВАТАНПАРВАР» ЖАМОАТЧИЛИК ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТ КОМИТЕТИ СОВЕТИНИНГ РАИСИ — УРУШ ТОШКЕНТ СЕКЦИЯСИНИНГ РАИСИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ БОИС ҲАМИДОВИЧ ЭРГАШЕВ.

ЭРТАГА—ҲАВО ҲУЖУМИДАН МУДОФАА ҚУШИНЛАРИ ҚУНИ

МУСАФФО ОСМОН ПОСБОНЛАРИ

Улуғ Ватан уруши йилларида жанг қилган, фронт орқасида меҳнат қилган кекса авлод кишилари совет халқи бошига тушган оғир синов кунларини ҳеч қачон унутмайдилар. Уруш йилларида Ҳаво Ҳужумидан Мудофаа қўшинлари куни белгиланди.

Ҳаво Ҳужумидан Мудофаа қўшинларининг ҳисобга олиб Ҳаво Ҳужумидан Мудофаа қўшинлари куни белгиланди.

Ҳаво Ҳужумидан Мудофаа қўшинларининг ташкил этилиши бевосита Владимир Ильич Ленининнинг номи билан боғлиқ. Революция доҳийсининг кўрсатмаси билан ташкил этилган «Самолётга қарши пўлат дивизион» қисқа вақт ичида қудратли ҳарбий кучга айланди. Улуғ Ватан уруши йилларида Ҳаво Ҳужумидан Мудофаа қўшинларининг ҳарбий счётлари душманнинг 7.300 дан зиёд самолёти, 1.000 дан зиёд танкини, 1500 дан зиёд замбарак ва миномёт, бошқа ҳарбий техникасини ва кучини ишдан чиқарди.

Ҳаво Ҳужумидан Мудофаа қўшинларининг 80 мингдан зиёд жангчи, сержант, офицер ва генерали ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. 92 жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олди. Улардан икки киши бу олий мукофот билан икки марта тақдирланди. Советлар мамлакатининг ҳозирги авлоди қўшинларининг жанговар анъаналарини давом эттирибгина қолмай, ўзларининг ҳарбий бурчларини нуқсонсиз бажаришмоқда.

Ҳозирги Ҳаво Ҳужумидан Мудофаа қўшинлари қудратли ва такомиллашган қурол билан таъминланган янги типдаги қўшинлардир. У зенит ракеталари, қирувчи авиация, радио-техника қўшинларини ўз ичига олади.

Ҳаво Ҳужумидан Мудофаа қўшинларининг жанговар қудратини ракета комплекслари билан қуролланган ва стратосферада ниҳоятда катта тезликда, узоқ масофада, шунингдек, ўртача баландликда учиб бораётган мўлжални йўқ қилиш қудратига эга бўлган зенит ракета қўшинлари ташкил этади.

Қирувчи авиация ракета ва радиолокацион ускуналар билан жиҳозланган самолётлар билан қуролланган.

Радиотехника қўшинлари, яъни, радиолокацион разведка олиб бориш билан зенит ракета қўшинларини ҳамда қирувчи авиацияни ахборот билан таъминлаб турувчи қўшинлар ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларини составида асосий ўрин тутади.

Бу қудратли ва мукаммал техника қобилиятли жангчиларининг қўлидадир. Уларининг учдан бир қисми жанговар ва снёсий тайёргарлик аълочиси. Ҳаво Ҳужумидан Мудофаа қўшинларини шахсий составининг 93 процентини етук мутахассис, шу жумладан 73 процентини биринчи ва иккинчи классли мутахассисдир.

Ҳаво Ҳужумидан Мудофаа қўшинларининг жангчилари ғоявий жиҳатдан чиниққан, ҳарбий техниканни яхши биладиган, Коммунистик партия ва социалистик Ватанга содиқ кишилардир. Улар ҳарбий хушёрликни ва тайёргарликни тобора ошириб, Ватанимизнинг осмон чегараларини кўз қорачиғларидек асрамоқдалар.



● БУГУН — ЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ

Бахтли ва соғлом болалик учун

Салкам тўрт ўн йиллик мобайнида 7 апрель куни Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти қарори билан ҳар йили Жаҳон саломатлик куни нишонланяпти. Байрам бу йил: «Болалар саломатлиги — келажак бойлиги» шиори остида ўтказилаяпти.

Бизнинг давлатимиз болалар учун, уларнинг соғлом ўсишлари, дам олишлари, ўқишлари учун кўп иш қиляпти. Шаҳардаги саккизта болалар ихтисослаштирилган шифохоналарида ҳар йили 7,5 минг бола соғломлаштирилаяпти. 1983 йилда республикада биринчи марта ҳар куни 1700 кишини қабул қилувчи шаҳар болалар консультатив-диаг н о стика поликлиникаси ташкил этилди. У болаларга ихтисослаштирилган ёрдамнинг 28 турн бўйича ёрдам кўрсатувчи шаҳар консультатив-диаг н о стика марказига айланди.

Фақат 1983 йилнинг ўзида поликлиникалардан узоқда яшовчи аҳолининг болаларга медицина хизматини яхшилаш учун учта филиал, 2 та сут тарқатиш пункти очилди.

Киров районида 320 ўринли ва Акмал Икромов районида 200 ўринли иккита кўп профилли болалар касалхонаси фойдаланишга топширилди. Ҳозирги пайтда Собир Раҳимов районида болалар сут ошхонаси ва Акмал Икромов районида болалар таомлари цехи қурилаяпти. Октябрь, Куйбишев, Сергели ва Акмал Икромов районларида жами 720 ўринли тўртта туғруқхона қурилиши олиб борилаяпти.

Ҳамза ва Октябрь районларида болалар сут ошхонаси қурилиши, «Тошкент трактор заводи» турар жой массивида болалар поликлиникаси ва 5-туғруқхонада 70 ўринли корпус қурилиши планлаштирилган.

Педиатрия участкаларини торайтиришга катта эътибор қаратилаяпти. Бу хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва диспансер назоратига олинган болалар сонини ошириш имконини беради.

* * *

СУРАТЛАРДА: врач қабулига келган кичкинтой; шаҳар болалар консультатив - диагностика поликлиникаси ҳамшираси Н. Абдуолимова.

Т. Каримов фотолари.

● *Туркистон жангчиларининг бир куни*

Тарихни ўзлари битишмоқда

(ФОТООЧЕРК)

Бу кун тревога ҳам, ҳеч қандай кўрсатма ҳам бўлмади. Оддий кун, фақат бир нарса янгилик бўлди. Бир неча кун тинмай ёққан ёмғир борлиқни қўйнига олди.

—Ниҳоят қуёш ҳам чиқди, — дея ахборот берди ротага эрталаб кичик сержант Василий Шумега. — Казарма орттида кўкка туташиб кетган саҳро кўзга ташланади. Ўт-ўланларнинг баргларида ёмғир томчилари гавҳардек ялтирайди. Ҳавонинг очилиб кетиши солдатларнинг кайфиятини кўтарди. Улар жисмоний машқ қилишди. Эрталабки овқатдан кейин сафга тизилишди.

Планлаштирилган ишлар бажарилаётган бир пайтда биз ротага етиб келдик. Сиёсий ишлар бўйича рота командирининг ўринбосари Олег Акимов бўлинма ҳамиша пешқадамлар сафида бораётганлигини ифтихор билан айтди.

—Биз ҳозир командирлар учун ўзига хос совға тайёрламоқдамиз, —дея унга қўшимча қилди рота командири катта лейтенант Леонид Бобровский. — Ваъда бермаган бўлсак ҳам синовдан фақат аълo баҳолар билан ўтишни мақсад қилиб қўйдик.

Рота жангчилари билан танишганимиздан кейин командирнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилдик. Мана оддий жангчи Олег Гаврилов Ленин хонасини жиҳозламоқда. Шунчаки эмас, дид ва иштиёқ билан жиҳозламоқда. Унинг фикрича бу ердаги ишлар бошқа ротадаги ишлардан кескин ажралиб туриши керак. Ваҳоланки, у шу кунга қадар бундай иш билан мутлақо шуғулланмаган: чизмаган, плакат пероси билан ёзмаган эди. Зарур бўлиб қолганлиги учун бу ишларни бажаряпти. Лозим бўлса у шеър ҳам битиши мумкин.

Оддий жангчи Заурбек Алоков касб сирларини ўрганяпти. Маҳорат борасида акаси — сержант Артур Алоковга етиб олиш ниятида. Яқинда уларнинг отаси меҳмон бўлиб келди. Али Хизирович барча солдат ва сержантларга самимий кабардин саломини топширди. Улардан «эгарда мустаҳкам ўтириш»ни илтимос қилди. Албатта фарзандларига кўрсатмалар берди. Шу боисдан ҳам Заурбек ифтихор билан: «Артур запаста кетгани билан мен сафда қоламан. Демак, унинг тажрибаси ҳам мен билан қолади» дейди.

Дизелчи-электро м е ханик сержант Владимир Аркатов зарур бўлган тақдирда операторлик, дурадгорлик, ғишт терувчилик касбларини ҳам бемалол бажариши мумкин. Ҳар бир ишни вақтида ва виждонан бажариш туфайли кичик сержант кўпчиликнинг ҳурматини қозонди.

Айтгандай, ротадагиларнинг ҳаммаси бир мақсад учун хизмат қилишади, аҳил ва иноқ. Фақат солдатлар, сержантларгина эмас, прапорщик ва офицерларнинг оила аъзолари ҳам умумий иш учун жон куйдиришади. Масалан, Светлана Матвеевна Успанова барча хўжалик ишларини қолдириб солдатларга навбатдаги фильмни намойиш қилади. Тамара Леонидовна Кормазова эса ҳар дақиқада медицина ёрдами кўрсатиш, хуштаъм печеньелар тайёрлашга тайёр.


Қисқа қилиб айтганда, командир барча кучларни тўғри тақсимлаган. Маънавий бирлик жанговар вазифаларни бажаришда ҳам ғалабалар келтириши аниқ. Катта лейтенант Л. Бобровскийнинг ўзи ҳам тинибтинчимаган одам. У ва унинг ўринбосарлари ўз қўл остидагиларга навбатчиликни нуқсонсиз бажаришни ўргатмоқда. Улар ҳеч бир нарсани сир сақлаётганлари йўқ. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Ҳамма нарса планли олиб борилган тақдирда муваффақиятлар кўпаяди.

Энди фотосуратларга бир назар ташланг. Солдат ва сержантлар белгиланган ишларни ишонч билан бажаришди.

... Кечки пайт биз ротадан қайтдик. Локаторлар бир маромда айланиб турибди. Хизматдан бўш бўлган жангчилар почта олиб келган машинани қувонч билан кутиб олишди. Кейин дарахт соясига ўтириб, худди ўз уйларидагидек ҳордиқ чиқаришди. Худди шу пайтда уларнинг сафдошлари постда туришибди. Улар гвардиячи қисмларининг жанговар тарихи билан фахрланишади. Иборали қилиб айтганда, жангчилар ўз роталарининг жанговар тарихини ўзлари битишмоқда.

В. ГЛЕЗДЕНЕВ,
майор.

А. Кудряшов фотолари.







ВЕТЕРАНЛАР ҲАМОН САФДА

Октябрь район ҳарбий комиссариатида ҳисобда турувчи Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ёшларни ҳарбий -ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшишмоқда. Улар ўзларининг жанговар ва ҳаётий тажрибаларини бўлажак жангчиларга қунт билан ўргатишяпти. Ветеранлар кўмаклашувчи комитетга уюшишган. Бу комитетга истеъфодаги полковник А. Чирва етакчилик қилмоқда.

Яқинда запасдаги офицерлар йиғилишиб амалга оширилган ишларга якун чиқаришди. Комитет қошида чақирилув ёшигача бўлган ўсмирлар билан ишлаш, ҳарбий-ўқув, запасдаги офицерлар билан ташкилий-тарбиявий ишларни ўтказиш, маиший ва пенсия секциялари ишлаб турибди. Уларга бой ҳаётий тажрибага эга бўлган истеъфодаги офицерлар А. Хабибуллин, У. Алиев, М. Ткач, В. Загребенний, М. Цифанский етакчилик қилишмоқда.

Мамлакатимизда Улуғ Ватан урушн қатнашчиларига катта ҳурмат кўрсатилмоқда. Партия ва ҳукуматимиз уларга берилаётган имтиёзларни янада кенгайтирмоқда. Районда ҳам биринчи группа инвалидлари корхоналарга биркитиб қўйилган. Улар инвалидларнинг турмушидан доимо хабардор бўлиб туришибди. Бундан ташқари комитет активистлари ёрдамида уларнинг турмуш шароити ўрганиб чиқилмоқда. Комитет тавсиясига биноан инвалидларга ёрдам кўрсатилаяпти.

Биз ёшларга атрофингиздаги кишиларга эътибор билан қаранг, демоқчимиз. Уларнинг айримлари ҳозир ҳам жанговар вазифаларини бажараётган, айримлари эса запасдаги ветеранларнинг ҳаммаси бир мақсадга — ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига ҳиссат қилишмоқда.

М. МАҲМУТОВ,
уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секциясининг аъзоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТЕЖАШ ҲИСОБИГА

СОФИЯ. Димитровград аграр-саноат комплекси ҳодимлари ёқилғи ва энергияни тежаш режимига қатиқ риоя қилиш учун актив ва япи иштирок этаётганлиги уларнинг маошига сезиларли маблағ қўшилишига олиб келди. Бултуг кўп миқдорда — уч миллион левдан кўпроқ маблағ тежалди. Ана шу маблағнинг учдан бир қисми аграр-саноат комплекси иш ҳақи фондига ажратилди. Маблағнинг қолган қисми ишлаб чиқаришга сарфланди ёки резерв фондга ўтказилди.

Ана шу улкан комплекснинг йиллик даромади 75 миллион левликка тенг бўлишига қарамай, хўжаликда ҳар бир стотинка ҳисобдадир. Шу боисдан юз левлик соф маҳсулот ҳисобига моддий харажатлар бу ерда доимо камайиб бормоқда.

— Бу муваффақиятнинг сири тежамкорлик проблемасига илмий асосланган тарзда ёндошувдадир, — деди агросаноат комплексинн раиси Я. Георгиев. — Экономистларнинг ҳисоб-китоблари шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигида ёнилғи, минерал ўғит, химиявий препаратлар қишлоқ хўжалик машина-механизм л а р и учун запас қисмлар, концентратланган озуқа учун кўплаб маблағ сарфланмоқда. Айни шу соҳада ҳар бир бригада, ҳар бир ферма тежамкорлик учун кураш олиб бормоқда. Бу программани бажариш мажбурийгина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга ҳар бир ходим учун фойдали ҳамдир. Чунки мукофотларнинг миқдори тежамкорликнинг миқдорига бевосита мутаносибдир. Пландан ташқари сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганлик учун ҳам қўшимча мукофот берилади. Чунончи, бизнинг механизаторларимиз ҳосил ўрим-йиғими даврида қолган меҳнатлари учун ой сайин пул мукофоти олиш билан бир қаторда, ўртача ҳосилдорлик муайян кўрсаткичдан ошса, донли экинлар талаб қилинган сифати таъминланса ва бу экинлар муддатида йиғиштириб олинса, улар дон билан ҳам таъминланади.



Москвадаги Венгрия савдо ваколатхонаси биносида «Электроника» фирмасининг виставкаси ишлаб турибди.

СУРАТДА: аппаратураларга техника хизматн кўрсатиш жойида.

В. Будан фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ ОГОҲЛАНТИРИШ

Ҳайдовчиларнинг маст ҳолда рулга ўтиришлари туфайли ҳар йили Буюк Британияда мингдан ортиқ киши ҳалок бўлади. Ичувчилар билан олиб борилган турли хил курашлар ёрдам беравермагач, Британия ҳукумати кайф билан машина бошқарган ҳайдовчиларнинг адреси ва исми фамилиясини телевиденне орқали ўқиб эшиттиришга қарор қилди. Бу эшиттириш телетомошабинларга қарата: «Биз уларни илгарироқ огоҳлантира олмадик, лекин сизларни огоҳлантирмоқдамиз» деган мурожаат билан тугайди.

Одессанинг немис-фашистлар асоратидан озод этилганлигининг 40 йиллигига

ҚАҲРАМОН ШАҲАР ЖАСОРАТИ

Одесса урушнинг дастлабки ойларидан бошлаб немис-фашист босқинчилар асоратига тушган шаҳарлардан бири бўлди. 1941 йил август ойининг бошларида бу ерда шиддатли жанглар бошланди. Одессани «охирги имконнятгача» душмандан мудофаа қилиш ҳақида 5 август куни Олий бош қўмондонликнинг буйруғи эълон қилинди.

Область ва шаҳар партия ташкилотларининг даъвати билан минглаб ишчилар мудофаа истеҳкомлари қурилишига чиқдилар. Қисқа вақт ичида шаҳар атрофида олтита мудофаа линиялари барпо этилди. 10 августда душман Одессадаги мудофаа истеҳкомларига шиддатли ҳужум бошлади. Августнинг охирида душман қўшинлари Кременчугдан Херсонгача бўлган масофада Днепр дарёси қирғоқларини ишғол этди. Одесса душман қамалида қолди.

Куч ва техника жиҳатдан беш баравар ортиқ бўлишига қарамай душман 73 кун давомида шаҳарга киролмади, катта талафот кўрди. Қора денгиз флоти Одессани денгиз томонидан қўриқлаб турди ва душман кучига катта зарба берди. Шаҳар аҳолиси шаҳарни душман авиациясидан, артиллерия отишмаларидан мардонавор мудофаа қилди. Ана шундай оғир кунларда ҳам шаҳардаги завод, фабрикаларда корхона ва муассасаларда иш тўхтагани йўқ. Қўшинлар ва шаҳар аҳолиси ягона жанговар гарнизон бўлиб душман ҳужумига қарши жанг қилдилар. Шундай қилиб, душман Одессани ишғол этолмади. Фақат фронтларда умумий ҳолат ўзгариши муносабати билан совет қўмондонлиги 1941 йилнинг 30 сентябрида қўшинларни Одессадан олиб чиқиш ҳақида буйруқ берди. Икки ҳафта давом этган эвакуация ҳеч қандай талафотсиз тугади ва бу операция ташкилий равишда 16 октябрда ниҳоясига етди.

Одесса мудофааси душман кучларини ҳолдан тойдирди ва унинг шаҳарни яшин тезлигида ишғол этиш планини чиппакка чиқарди. Душман Одесса атрофидаги жангларда 160 минг солдат ва офицерни йўқотди.

Одесса оккупацияси 30 ойга чўзилди. Шаҳар партия ташкилотининг раҳбарлиги остида Одесса партизанлари душманга қарши курашни тобора кучайтириб бордилар. Маълумки, 1944 йилда Совет—Герман фронтининг ҳамма жойида совет қўшинларининг кенг ҳужум операциялари бошланди. Одессадаги яширин ташкилот ва партизанларнинг актив ёрдамида 2-Украина фронти қўшинлари 1944 йил 10 апрелда Одессани озод қилдилар.

Одессани озод этишга фронтдаги ўзбек жангчилари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Наманган областининг Янгиқўрғон районидан Ватан ҳимоясига борган Аҳмаджон Фарҳодов Одесса учун бўлган жангларда катта жасорат кўрсатди. Унинг айтишича, бир акаси — Ҳожимурод Ленинградни озод қилишда, катта акаси Халилжон эса Москва бўсағаларидаги жангларда иштирок этган. Аҳмаджон эса, гўзал Одессани озод этишда қатнашганим учун бахтиёрман, дейди.

Урушнинг дастлабки ойларида Одесса аҳолисидан 155 минг киши фронтга жалб этилган. Ватан ҳимоячиларн сафида 12 минг коммунист ва 73 минг комсомол бор эди. 1941 йил июль ойининг дастлабки декадасида халқ қасосчилари сафига 55 минг киши қўшилди. Мунтазам совет армияси сафига 30 мнғ киши келди. Шаҳардаги баррикадаларда 3600 қасоскор ишларди. Шаҳар корхоналаридa ташкил этилган мудофаа ячейкаларида 7600 дан кўп киши бор эди. 1941 йил июнь ойининг охирида шаҳарда қирувчи батальонлар тузила бошланди. Бунга 3800 дан ортиқ киши жалб этилди. Уларнинг 1000 дан ортиғи коммунист эди.

Мудофаа даврида Одессадаги корхоналар фронтга 5 та бронепоезд, 50 танк, 1500 дан ортиқ миномёт, 300 мингдан ортиқ граната ва бошқа кўп қуроллаш этказиб берди. Медицина ҳамшираларн ва меддружиначиларн тайёрлаш учун комсомол комитетлари ва Қизил яримой жамияти махсус курслар ташкил этдилар. 40 группада 1300 медицина ҳамшираси, 18 группада 630 сандружиначи ўқидн. Фронтга 2000 дан ортиқ медицина ходимлари юборилди.

Мингдан ортиқ агитаторлар мудофаа корхоналарида, баррикадаларда, ертўлаларда, кўча ва уйларда оммавий-сиёсий ишларни олиб бордилар. Умумий тиражи 34 миллионни ташкил этган 68 номдаги ҳар хил варақалар, брошюралар, плакатлар, чақириқлар чоп этилиб жангчилар, партизанларга тарқатилди.

1944 йил 28 мартда 3-Украина фронти қўшинлари Одесса ҳужум операциясини бошлади. Бу операцияда 470.000 киши иштирок этди. 12.678 миномёт ва тўп, 435 танк ва ўзи юрар тўп, 436 та самолёт қатнашди. Шундай қилиб, 1944 йилнинг 10 апрелида Одесса душман асоратидан тамомила озод этилди. Одессани озод этишдаги жангларда намуна кўрсатган 27 қўшин ва қисмларга «Одесса» номи берилди. 14 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган буюк унвонга эга бўлди, 57 киши Ленин ордени билан, 2100 киши бошқа орден ва медаллар билан, 25 минг киши «Одесса мудофааси учун» медали билан мукофотланди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 8 май Фармони билан Одессага Қаҳрамон шаҳар фахрий унвони берилди.

Л. ҲАМРОЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

КИНО ИЖРОЧИЛАРИ КУЙЛАЙДИ

Кеча В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида «Ўртоқ кино куйлайди» деб номланган театрлашган-музикали томошалар бошланди. Мухбиримиз ана шу ажойиб программа сценарий автори ва постановкаси муаллифи, РСФСР халқ артисти Юрий Николаевич Левицкий билан учрашиб, музикали саҳна томошаларини шарҳлаб беришини илтимос қилди.

— Балет, музика, театр ва эстрада кабиларнинг ҳар бир санъатхонасининг ўз мухлислари бўлади. Лекин шуни барча мухлислар севади. Чунки у ҳам театр, ҳам музика, ҳам ўзига хос бадиий кино—бу ҳаёт. Совет киноси усталари ҳам яна тошкентлик-лар ҳузурига меҳмон бўлиб келишди. Улар ўз томошабинлари билан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро Тошкент кинофестивали арафасида учрашаётганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бу галги томошаларимизнинг яна бир хусусияти шундаки, у шу куннинг энг долзарб мавзуларидан бири жаҳонда тинчлик учун кураш мавзусига бағишланган. Янги программамиз «Қадрдон ўртоғимиз кино, биз сен билан учрашётганлигимиз муҳим шувга келдик!» деб номланади. Бу программа совет кинематографчилари яратган ва яратаётган энг яхши фильмлар асосида тузилган. Унда СССР халқ артисти Н. Мордюкова, РСФСР халқ артисти В. Ивашов, Грузия ССР халқ артисти А. Шангелая, СССР халқ артисти М. Эсанбоев, РСФСР халқ артисти, машҳур композитор Я. Френкель, композитор Я. Дог ва бошқа санъаткорлар ўзларининг ажойиб қўшиқлари, куйлари ва рақслари билан томошабинларни хушнуд этади.

Музикали саҳна спектаклида вокал ансамбли билан бирга дирижёр К. Кримец раҳбарлигидаги «Ўртоқ кино» концерт оркестри иштирок этади.

Бу ажойиб томошалар мамлакатимиз, совет кинематографчилари ҳаёти ҳақида севимли кино қаҳрамонлари иштирокидаги ўзига хос публицистик ҳикоядир. Режиссёрлар, рассомлар, мураккаб саҳна устала-ри, кинорежиссёрлар, мультипликаторлардан иборат катта коллектив яратган.

Таниқли шоир Роберт Рождественский ва СССР халқ артисти Михаил Ножкин театрлашган музикали томошанинг энг актив авторлари ҳисобланади. Улар программамиз томошабинларга мазмунли бўлиши учун катта иштиёқ билан меҳнат қилишган.

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларига аталган томошаларимизни санъат мухлислари катта олқиш билан кутиб олганлиги қалбимизни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирмоқда.



Шанба оқшоми

● ТОШКЕНТЛИК УМРИ ЧИНОРЛАР

Руқия момо ҳузурида

Одамлар фахр билан: «Қари бор уйнинг—зари бор», дейишади. Кексаларнинг ақли доно, муомаласи барно, фикри равшан, тили ширинсухан бўлади. Шаҳримизнинг 2-Чимбой кўчасидаги 232-уйда Руқия момо Ғафурова истиқомат қиладилар. Момо куни-кеча наврўзда 121-баҳорни қаршиладилар. Узоқ умр берган табиат ўз чеварлигини кўрсатиб, момога учинчи марта тишларни чиқишига кўмак бериб юборди. Руқия момонинг энг катта набиралари 70 ёшда.

Руқия момо Чорсу даҳасининг Каппон маҳалласида туғилганлар. Йигирма ёшларида Ҳидоят бобога турмушга чиққанлар. Бобо ўша пайтларда Назарбек қишлоғида пахта экиб, деҳқончилик билан шуғулланган. У киши 1934 йилда вафот этганлар. Руқия момо шу турмуш ўртоғидан уч ўғил, уч қиз кўрганлар. Ҳозирда Руқия момонинг 104 дан ортиқ невара, эвара, чеваралари бор...

— Сизни ҳаётда кўпроқ нималар қувонтиради?

— Кулиб турган одамни кўрганда қувониб кетаман. Самимий кулган одамнинг дарди, ташвиши бўлмайди, дейман-да, бўтам.

— Момо, сиз қандай фазилатларни яхши кўрасиз?

— Мен камтар, камсуқум, оғир-вазмин, бировга дардкаш фазилатли одамларни яхши кўраман. Катта набирам— Қаноатнинг хотини— Матлубахоннинг кўп фазилатлари бор. У менга доим жонкаш-жафокаш, дардкаш бўлиб умр кечиряпти.

— Ҳаётнинг маъноси, розати нима?

— Ҳаётнинг катта маъноси — яхши яшаш, фаровон, дориламон замонда яшаётганимдан бахтиёрман, бўтам. Қаранг, ҳамма набираларим тиним билмайди, ҳаммаси яхши яшайди.

— Қариликнинг ҳам гашти бор, дейишади. Қандай умид-орзуларингиз бор?

— Ҳар куни тонг отганда қуёшнинг жамолини кўриб қувонаман. Зурриётларимнинг ҳар бири кўз ўнгимда бир олам бўлиб кўринади, яна қувонаман. Бир юзу йигирма бир йил ичида кўрган-кечирганларимни хаёлдан ўтказиб, эласлай-эсласлайман-да, қувонаман. Менинг бешинчи авлодим — тўрт ойлик дуварагим — Дилнора қизчамнинг келиб бўлиб узатилганини кўрдим деган орзуим бор... Мана шуларнинг ҳаммаси қариликнинг гашти, бўтам.

ЯНГИ РУБРИКА:

Руқия момонинг насиҳатлари



Бир донишманд: «Ёшларнинг кўзи, олов сочади, қариларнинг назари эса нур сочади», деган экан. Бир юз йигирма бир баҳорни кўрган Руқия момо Ғафурова одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, инсоний фазилатларга оид ибратли ва ҳикматона сўзлар айтади. Табаррук момонинг сўзларини азиз оқшомхонларга етказиш мақсадида редакция «Руқия момонинг насиҳатлари» рубрикасини очишга қарор қилди.

АЁЛ НАЗОКАТИ ҲАҚИДА

● Аёл—ҳар бир хонадоннинг фариштаси. У ҳар доим ораста, гўзал, назокатли, очиқ чеҳрали бўлсин. Шундай аёл бор уйда кайфият ҳам, чунаврларлик ҳам бўлади.

● Одамнинг саломатлиги овқатга ҳам боғлиқ. Ҳар бир аёл уйда бош пазанда. Шунинг учун у турли неъматлардан лаззатли таомлар тайёрлашни ёшлигидан ўрганиши, уйли-жойли бўлганда унинг қўлидан овқат еганлар: «Қўлинг дард кўрмасин, пазандаликни ўргатган онанг умридан барака топсин» дейишсин.

● Алла айтишни билмаган аёлнинг уйқусида ҳаловат бўлмайди.

● Аёл олтин узук бўлса, унинг вафо-садоқати узукнинг кўзидаги дурга-гавҳарга ўхшайди.

● Яхши аёл уйи остонасини, хонадонини, ошхонасини чиннидек покиза, саранжом-сариштатутади.

— ● Келинини «қизимсиз» деган она— чинакам она!

● Яхши хотин—эрни гул қилади, жоҳил хотин — эрни кул қилади.

● Қаноатли аёл—саодатли аёлдир.

● Кулиб турган аёл гулдан гўзал.

● Вафо билан садоқат—узоқ умр рамзи.

Момонинг котиби
Тўлқин РАСУЛЕВ.

● НАБОТОТ ҲАЁТ МАНБАИ

Ровоч—иштаҳага ривож

Баҳорнинг таниқ неъматларидан бири ровочдир. Бу ўсимлик совуққа чидамли, лекин мўътадил иқлимли жойларда яхши ўсади. Ровочнинг асосан семиз, серэт барг баданлари, пояси истеъмол қилинади. Ровоч май-июнь ойларида йиғиб олинади, сентябрда эса иккинчи марта йиғилади. Унинг барг баданларининг толаси нозик пайтида вақт-вақти билан—10—12 кунларда йиғиб олиш керак. Уни хона ҳароратида икки сутакдан ортиқ сақлаб бўлмайди. Паст ҳароратда ва намлик 90 процент бўлса 5—7 сутакгача сақлаш мумкин. Целлофанга ўраб қўйилса, яхши сақланади.

Ровоч таркибида 2 процентгача шакар, 25 процент органик кислоталар, кальций, фосфор, магний минерал тузлари, пектинли моддалар, 15—20 процентгача С витамини ва бошқа моддалар мавжуд. Ровоч нордон, ўзига хос таъмли ва хушбўй, олма таъмига яқин бўлади. Баҳорда — «илик узилди» пайтида одам организмида витаминлар камайиб, иштаҳа яхши бўлмайди. Одил табиат қўйнида тирик жонзот учун ниҳоятда зарур бўлган моддаларни ўзида мужассамлантирган ровоч — иштаҳага ривож беради. Унинг барг-ли баданидан компот, кисель, мураббо тайёрлаш мумкин.

Ровочни мис ва темир идишларда қайнатиш асло мумкин эмас.

Ровоч пояси, барг баданини поясидан арчиб, яхшилаб ювилади. Уни майдалаб сувга солиб 10 минут қайнатилади, сўнгра шакар солиб, ровоч юмшоқ бўлгунга қадар яна қайнатилади. Қайнаб турганда бир оз долчин ёки ванилин солинса, хушхўр қиём компот тайёр бўлади. Ҳамма учун фойдали ҳисобланган ровочдан кисель тайёрласа ҳам бўлади. Бундан ташқари, ровочнинг таркибида бўёқ ва ошловчи моддалар ҳам бор. Ровоч илдизи ва мевасидан тайёрланган қайнатма ич-сизлик, меъда-ичак касалликларида ишлатилади.

О. КАРИМОВА.

● Тошкентнинг икки миллионинчи фарзанди

САОДАТ БИР ОЙГА ТЎЛДИ

«Туғилган чоғида оғирлиги 3 килограмм 600 грамм, бўйи 51 сантиметр».— Бу маълумотлар Ўзбекистон пойтахти икки миллионинчи фарзанди Саодат Дадахоновага мансуб бўлиб, у 1-шаҳар клиник касалхонасида туғилганида қайд этилган эди. Бундан роса бир ой муқаддам — 7 март куни ягона нусхада тайёрланган эсдалик медали Саодатнинг ота-онаси — Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси чевари Дилбар ва «Средазкабель» бирлашмаси катта мастери Ил-ҳомжон Дадахоновларга бир умрга сақлаш учун топширилган эди. Қизча ўсиб, вояга етганида, ота-онаси унинг туғилганлиги билан боғлиқ бўлган барча воқеани ҳикоя қилиб беришади.

Пойтахтимизн и н г икки миллионинчи бахтиёр фарзанди ўзини яхши ҳис этмоқда. Унинг оғирлиги 4 килограмм 400 грамм, бўйи 55 сантиметр бўлди.

20-болалар поликлиникасининг врачлари Саодатнинг саломатлиги аъло, деб айтишмоқда.

— 1-шаҳар клиник касалхонасининг медицина ходимлари бизни унутишгани йўқ. Бизни оталиққа олишган, — дейди кулиб Дилбар. Ҳамкасбларимиз, қариндош-уруғларимиз ҳам қувончимизга шерик бўлишяпти.

— Саодат, бепоён ўсгин! Ватанимизнинг мусаффо қуёши нури остида соғ-саломат ва бахтиёр





ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

Олмаота—Тошкент,



Тошкент—Олмаота



4 апрель куни газетамизда сиртқи «Дўстлик матчи»нинг ҳар икки тахтасида тошкентлик шахмат мухлисларининг юришлари эълон қилинган эди. Бугун биз уларни такрорлаймиз.

Кўнчилик газетхонларнинг таклифларни инобатга олинган ҳолда биринчи тахтада олмаоталикларнинг f2—f4 юришига d7—d5 юриши билан жавоб берилди. Иккинчи тахтада эса навбатдаги тўртинчи юриш e2—e3 эълон қилинди.

Ҳурматли газетхонлар! Биринчи тахтада Вена, иккинчи тахтада эса Фарзин гамбити партияси давом этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда биринчи тахтада олмаоталиклар қандай юриш қилишлари мумкин! Иккинчи тахтадачи! Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» [«Дўстлик матчи»]га. Таклифларингизни 330874, 325680, 325682, 325885, 332895 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.



● *Бизнинг интервью*

Ҳаяжонга ўрин қолдирмай



Фигурали учиш бўйича СССР шахсий чемпионатининг барча программаларида республикамиз вакиллари иштирок этаётганлиги қувончли ҳолдир. Тўғри, спорт рақси жуфтлиги бундан мустасно. Бу шундан далолат берадики, кейинги вақтда республикамизда спортнинг қишки турларини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Мухбиримиз жуфт бўлиб учиш бақсида иштирок этаётган Ирина Шишова ва Алексей Сулаймоновларнинг устози, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Валерий Николаевич Тюков билан учрашиб, ундан бир неча саволларга жавоб беришни илтимос қилди:

— Валерий Николаевич, шогирдларингиз ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз. Умуман уларнинг чемпионатдаги иштирокидан қаноатландингизми?

— 1978 йилнинг октябрь ойида Ирина ва Алексей спорт жуфтлигида маҳоратларини синаб кўришди. Шунга қадар улар якка учиш бақсида иштирок этишарди. Ҳар иккаласи ёш. Ирина 15, Алексей эса 17 ёшда. И. Шишова республикамиз пойтахтидаги 27-ўрта мактабнинг 9-синфида ўқийди. Унинг ҳамроҳи А. Сулаймонов Тошкент Давлат физкультура институтининг биринчи курс талабаси.

Ёш спортчиларнинг муваффақияти асосан ўтган ва шу йилга тўғри келди. Жумладан, Ирина ва Алексей ўтган йилнинг ноябрь ойида Красноярск шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган СССР биринчилигида биринчи ўринни эгаллашди. Шундан кейин улар мамлакат ўсмирлар терма командаси составида Соппора шаҳрида ўтказилган жаҳон биринчилигида иштирок этишди. Фахрли тўртинчи ўринни эгаладилар. Икки ой муқаддам Днепропетровск шаҳрида ўтказилган СССР Кубоги бақсларида яна биринчи ўринни қўлга киритишди. Ана шу муваффақиятлари учун Ирина ва Алексейга СССР спорт мастери унвони берилди.

Бу йил улар сакки-нинг фигурали учиш бўйича СССР терма командасига киритилишлари кутилмоқда. Ёш спортчилар ҳозирги кунда Тошкентда ўтаётган мамлакат биринчилигида иштирок этишяпти. Ёш спортчилар учун бу анча кўп, албатта. Шу боисдан ҳам улар бақсларда яхши қатнаша олишмади. Натижада дастлабки куни 12-ўринни эгаллаб, кейинги программаларни бажаришда аҳволни ўзгартира олмадилар. Ҳуллас кучли саккизликдан жой олиш ниятида эдик. Бу программа бажарилмади.

— Шогирдларингиз-нинг фигурали учиш зинчи марта йирик мусобақада иштирок этишяпти. Ёш спортчилар учун бу анча кўп, албатта. Шу боисдан ҳам улар бақсларда яхши қатнаша олишмади. Натижада дастлабки куни 12-ўринни эгаллаб, кейинги программаларни бажаришда аҳволни ўзгартира олмадилар. Ҳуллас кучли саккизликдан жой олиш ниятида эдик. Бу программа бажарилмади.

— Шогирдларингиз-



фотолари

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● ЧЕКИШ ПРОБЛЕМАЛАРИГА БАҒИШЛАБ

Оттавада чекиш проблемалари бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўз ҳамёнини бойитиш мақсадини кўзлаб чекишни авж олдираётган йирик капиталистик мамлакатларни айблади. Ҳозирги вақтда бу ёмон ва зарарли одат гўё эркаклик хислатларига, социал ва иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнашга кирар эмиш. Шу боисдан бир қатор мамлакатларда сигаретларни чекиш кучайди. Масалан, бу ҳол Покистонда кейинги ўн йил ичида 60 процентга ошди. Таиланд аҳолиси ўз даромадининг бешдан бир қисмини тамаки харид қилишга сарфламоқда, деб хабар беради «Огни Болгарии» журнали.

● ЭНГ КЎП ТАРҚАЛГАН ИЧИМЛИК

Европа иқтисодий ҳамжамиятининг берган маълумотларига қарағанда Европада энг кўп тарқалган ичимлик чой экан. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра Ғарбий Европада яшовчи бир киши йилига ўртача ҳисобда 200 литр чой, 90 литр пиво ва 40 литр вино ичар экан.

● РЕКОРДЧИ ХАТ ТАШУВЧИ

Болгария Халқ Республикасининг рекордчи хат ташувчиси ким эканлигини биласизми! У Мирко Христов деган алоқа бўлими хизматчисидир. М. Христов ўзининг 30 йиллик меҳнат фаолияти мобайнида 80 минг километр йўл босиб, адрес эгаларига 150 тонна хат-хабар етказиб берганлиги ҳисоблаб чиқилди.

● АЭРОПОРТ ЙЎЛИДА ҚОЙИБ БЎЛДИ

Лондоннинг Хитроу халқаро аэропорти йўлида маркалар коллекциясини олиб кетаётган автофургон изсиз «йўқолди». Ана шу машинада 1400 та марка бор эди. Унинг қиймати чорак миллион фунт стерлингга тенгдир.

● ЧУМОЛИДАН ҚЎРҚАДИГАН МАЙМУН

Жанубий Америка ўрмонларида «Ўйинқароқ» деб ном олган майда маймунлар учрайди. Бундай маймунларнинг бир неча тури бўлиб, уларнинг энг миттиси Амазонка дарёсининг юқори оқими ҳавзасида яшайди. Вояга етган маймунчанинг бўйи ўн беш сантиметрдан ошмайди. Унинг емиши — ҳўл мева, ҳашаротлардир. Лекин чумоли ва ўргимчаклардан жуда ҳам қўрқади. Янги туғилган боласининг бўйи жимжилоқдек келади.

● ТУҒИЛГАН КУННИ АНТИҚА НИШОНЛАШ

Сен — Жервэдаги (Франция) тоғ-чанғиси мактабининг инструкторн Жек Бесс туғилган кунининг 30 йиллигини антиқа усулда нишонлаш йўлини топди. Эрталаб у Монблан чўққисига кўтарилди, туш вақтига келиб эса (чанғи билан беш соат чўққидан тушгач) 4200 метр пастликдаги Файет деган жойга келди. Мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда Бессга қадар ҳеч қайси чанғичи у босиб ўтган музликлардан юришга журъат этмаган экан.

● СУВ ТОШҚИНИ ОҚИБАТЛАРИ

Франс Пресс агентлигининг хабарларига қараганда мисли кўрилмаган кучли ёмғирлардан ва шундан кейин юз берган сув тошқинидан сўнг Боливияда кейинги бир неча кун мобайнида ярим миллиондан ортиқ қора мол ҳалок бўлган. Мамлакатнинг қишлоқ хўжалигига ҳам катта зарар етди. Минглаб турар жой бинолари, йўллар ва тўғонлар шикастланди.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

7 АПРЕЛЬ, 1984 й.

Шанба фельетони

ЗАРҲАЛЛАНГАН ҒИШТ

ЁХУД ХЎЖАСИЗЛИК БОРАСИДАГИ ҒАЛАТИ ЁЗИШМАЛАР

БИРИНЧИ МАКТУБ

«Салом, ҳурматли қурувчилар! Бу мактубни сиз қуриб берган мактабларда ўқийдиган болалар ёзяпмиз. Содда қалбли, самимий кичкинтойлар ҳам биз билан ҳамфикр. Чунки улар ҳам сизнинг олтин қўлларингиз билан тиклинган боғчаларга боришади. «Олтин қўллар» деган иборани ёзишни шаҳар халқ контроли комитети деб номланган жиддий ташкилотдаги катта ўртоқлар бизга маслаҳат беришди. Уларнинг тақинларини кўра, болалар боғчаларни ва мактабларни сиз фин ва чех кошинлари билан безагансиз, биноларнинг пештоқини олтин ва кумуш сувлари билан жилолагансиз. Шу муносабат билан қўшимча ишчилар отряди ташкил этдик. Улар юқорида номлари қайд этилган ҳамёғ нарсаларни қатъият билан назоратдан ўтказдилар. Афсуски, ҳозирча изланишлар ҳеч бир натижа берганга ўхшайди. Аммо назаримизда тарихий аҳамиятга эга бўлган баъзи бир топилмалар ҳақида қувоич билан хабар бермоқчимиз. Болалар боғчаларидан бирининг подвалида октябрят-лар ва пионерлар занглаб кетган 200 килограмм қувур ва ҳозиргача номалиғи аниқланмаган айрим деталларни топиб олдилар. Ҳозирча биз уни Рим водопроводининг айрим қисмлари деб фараз қиляпмиз. Аммо улар қайси йўл билан бу ерга келиб қолганлиги номаълум. Катта синф ўқувчилари эса биз топган нарсаларнинг тарихий қимматини пасайтиришга уринибди, Рим водопроводи ёғочдан қурилган эди, деб таъкидлашмоқда. Топилган қадимий ашёларнинг нималиги, меъморчилик услуби ҳамда қурилиш вақтига қараганда замонавий бўлган бинога уларнинг келиб қолиши сабабларини тушунтириб беришингизни сўраймиз. Хатга ана шу топилмалардан пионер Иванов синдириб олган темир парчасини қўшиб жўнатмоқдамиз. Жавобингизни сабрсизлик билан кутамиз».

ИККИНЧИ МАКТУБ

«Салом, қадрли болалар! Сизга Тошкент шаҳар ижроия комитети шаҳар хўжалиги объектларини капитал ремонт қилиш бўйича бошқармасининг 7-махсус ремонт-қурилиш бошқармаси бош инженери А. М. Садов ёзмоқда. Сизнинг саволларингизга 7-ремонт-қурилиш бошқармасининг собиқ бошлиғи В. И. Баёвинц, шунингдек эндиликда унинг вазифасини бажарувчи Ш. Ёқубовлар ҳам жавоб беришга ошиқмоқдалар. Сизнинг содда, шу билан бирга ҳаяжонли мактубингиз бизни тўлқинлантириб юборди, ўз ишимиз учун уялдик ҳам. Ҳафсалангизни пир қилишга мажбурмиз: пионер Иванов тоғдан ашёлар Рим водопроводининг қисмлари эмас, балки замонавий, лекин ишдан чиққан сантехника жиҳозларидир. Уни бизга қарашли ремонт-қурилиш бошқармаси ходимлари янгисига алмаштиришлари зарур эди. Уларнинг ишга лоқайдлик билан қарашлари, ҳамда бизнинг назоратимиз йўқлиги туфайли бу деталлар алмаштирилмаган. Олтин ва кумуш суви билан жилолаш, чет эл кошинлари масаласига келсак, ишқуварларингиз улардан нишон ҳам топишолмайди. Чунки бундай ишлар объектларнинг смета қийматига киритилмайди. Аммо қадрли болалар, пионер ва октябрятлар, сизнинг ота-оналарингиз ва шаҳар халқ контроли комитетидаги масъул ўртоқларнинг, шунингдек уларнинг Киров районидаги ҳамкасбларининг олтин қўлларимиз ҳақидаги гаплари бежиз эмас. Чунки қурилишга сарфланган маблағларга қараб баҳо бериладиган бўлса, қўлимиз ҳам, бинонинг безакларн ҳам олтиндан бўлиши керак. Масалан, 123-мактаб ремонтига белгиланганидан 10,5 минг сўм ортиқ пул сарфладик. Н. Островский номидаги пионерлар саройи, бошқа мактаблар ва мактабгача муассасалар ремонтида ҳам худди шундай бўлди. Лекин қадрли болалар, бизнинг ҳам тушунинг-да. Муассасамизда ишловчи катта ўртоқларингизни чиндан ҳам олтин қўлли, деса арзийди. Одатда уларга малакаси ва бажарган ишлари ҳажмига қараб пул тўлаш керак. Афсуски, ҳажми масаласи сал нозикроқ. Чунки у бизни ҳам, бюуртмачиларни ҳам, олтин қўл соҳибларини ҳам қониқтирмайди. Шу сабабли иш ҳажмини 20—30 процентга оширибгина ёзишга тўғри келади. Бу оғир вазифани биз прорабларга юклаганмиз. Ишимизнинг салбий оқибатлари ҳам бор. Планлар бажарилмайди, ишга келмаслик, молия интизоми бузилиши авж олади. Натижада эса сиз ўқийдиган мактаблар ва кичик ўртоқларингиз қатнайдиган болалар боғчалари ремонти давлатга ўз баҳосидан ҳам қимматга тушади. Сифатсиз ремонтни бир амаллаб оқлаш ва сиздек содда ва оққўнгил болаларга фақат ёлғиз бизгина топширилган ишга совуқконлик билан қарамаслигимизни исбот қилиш учун бир машина синиқ ғиштни ҳавола қиламиз. Уни ишлаб чиқаришга сарфланган материал ресурслар ва пул маблағларига қараганда, у чиннн буюмлар тайёрлашга кетадиган қимматбаҳо лойдан ясалган бўлиши керак. Ўз изқуварларингизни тахминий маълумотларга қараганда Тошкентга яқин территорияда жойлашган ана шу камёб лойни излашга йўллашингиз мумкин. Жавобларингизни ойлик маошни кутгандек кутиб қоламиз».

УЧИНЧИ МАКТУБ

«5-ғишт заводлари бошқармасидаги ҳурматли ўртоқлар! Яқинда ташкил этилган изқуварлар отряди сизга қарашли 6-заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан қизиқиб қолди. Бу қизиқиш шунчалик катта эдики, «назоратчилар» деб номланувчи катта ўртоқларимиз ҳам бизга қўшилишди. Сиз ишлаб чиқараётган ғишт таркибида бирорта қимматбаҳо металл борлиги ҳақида ҳеч бир белги ёки тамға йўқ. Аммо ҳужжатларга ишонадиган бўлсак, шундай металл бўлиши керак. Масъул ўртоқлар бизни чўт қоқиш ва арифмометрлар билан ишлашга ўргатишди, пионер Иванов эса микрокалькуляторда ҳисоблашни ўрганиб олди. Биз ана шу ҳисоблаш техникаси ёрдамида шуни аниқладикки, 6-завод фақат бир кун мобайнида 28 минг дона тобламаган ғиштни юқори баҳоларда сотган. Натижада давлатга 10 минг сўм зарар етказилган. Пионер Ивановнинг ҳисоб-китобига кўра, бу пуллар 8-ремонт-қурилиш бошқармасидаги танишларимизга план бўйича қилинмаган ремонт ишларини бажаришга бемалол етарди. Уларнинг айтишига қараганда, сизнинг заводингиз ишлаб чиқараётган ғишт пишиқлик борасидаги ҳеч бир сиповга дош бермас экан. Юзта ғиштдан 97 тасини пионер Иванов ҳеч бир қийналмасдан иккига бўлиб ташлади. Жавобингизни шаҳар халқ назоратчилари йиғилишида кутамиз».

ТЎРТИНЧИ МАКТУБ

«Салом, қадрли болалар! Биз, сизнинг катта ўртоқларингиз, ёзишмалар билан, шунингдек, махсус ремонт-қурилиш бошқармаси ва 6-ғишт заводидаги аҳвол билан қизиқиб танишиб чиқдик. Шунн қувоич билан маълум қиламизки, объектларни ва қурилиш материалларн қийматини сунъий равишда кўтариш сабабларн аниқланди. Бу борадаги ташаббускорлар муносиб «мукофот» олишди. Уларга қаттиқ виговорлар эълон қилиндн, айримларига пул жарималарн солинди. Баъзиларн эса катта-катта ташкилотларни чалғитиш ва давлат маблағларини талон-тарож қилиш бўйича ўз қобилиятларини синаб кўрадиган янги жой қидирмоқдалар. Пионер ва октябрятларнинг хўжасизлик борасидаги изланишлари зарҳалланган ғишт ва бинолар бунёдкорлари учун яхши сабоқ бўлади.

Мактубларни даҳлдор шахслар ва ташкилотларнинг ижозати билан нашрга тайёрловчи **С. ЕЖКОВ.**

БИЛДИРИШ

Халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторлар доимий ишловчи семинарининг тинглов-чилари диққатига.

9 апрель соат 18.30 да «Билимлар уйи»да «Совет Иттифоқининг Хитой билан ўзаро муноса-батининг баъзи масалалари тўғрисида» лекция ўқилади. Лектор — «Билим» жамияти лектори В. Яшин.

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!

Профилактика муносабати билан душанба, 9 апрель куни МТ I программасининг кўрсатувлари соат 9.00 дан 18.00 гача 5-канал орқали намойиш этилади.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 9. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40—10.10 «Асли болаликдан». Н. Риленков.
11.05 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.05 «Бу ер—менинг уйим. Н. Ескалиева куйлайди». Фильм-концерт.
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Астрахань қўриқхонаси ҳақида телефильм.
15.50 «Онамларнинг мактаби».
16.20 «Билимимиз — қудратимиз». Илмий-оммабоп журнал.
16.55 «Орловский сувенир» рус халқ чолғу асбоблари ансамблининг чиқиши.
17.15 Мактаб ўқувчиларининг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавтучувчиси В. А. Жонибеков билан учрашуви.
18.00 Жаҳон халқларининг ижоди (Ҳиндистон).
18.45 «Керчь. Хотира ва шон-шуҳрат». Телефильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Ф. Мендельсон. «Ёз кечасидаги туш». Чех филармониясининг симфоник оркестри ижро этади.
19.45 «Ишлар ва одамлар».
20.25 «Жадаллаштириш». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. П. Загребельний романи асосида. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Қалбга яқин қўшиқлар».
22.45 «Футбол шарҳи».
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30 Балиқ ови спорти бўйича халқаро мусобақалар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Бир кун ва бир умрга». Телефильм (Тошкент).
10.05—10.35 «Фан ва турмуш».
11.05 «АБВГДейка».
12.05 «Рус тили».
15.00 «Сенинг ленинча кутубхонанг». «Миллионлар учун мерос».
15.30 «Вс. Вишневский — ёзувчи-коммунист».
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати. Томскдан олиб кўрсатилади.
19.30—20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Территория». Бадиий фильм.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 Ўсмирлар учун. «Орзу».
19.00 Совет Армияси жангчилари учун. «Ёдимизда ва қалбимизда ҳамиша» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ижод саҳифалари». Н. В. Гоголь туғилган куннинг 175 йиллигига.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Г. Жўраева ва А. Шукуров концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. Кўргазмали чиқишлар. Ёзиб олинган репортаж.
Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00 — 16.25 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Телефильм.
18.40 «Қизиқувчилар экрани».
19.10 «Комсомольск-Днепр», «Тош кесувчилар». Телефильмлар.
19.45 Врач маслаҳати.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (такрорий).
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 10. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мактаб ўқувчиларининг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавтучувчиси В. А. Жонибеков билан учрашуви.
10.25 «Жадаллаштириш». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.30 «Эртанги кун топшириғи». Мактаб ўқувчиларининг касбларга йўналтириш ва меҳнат тарбияси ҳақида телефильм.
12.00 Монголия бадиий коллективларининг концерти.
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Довюраклик ва ростгўйлик билан». Телефильм премьераси.
15.55 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Лев Толстой, рус революциясининг кўзгуси сифатида».
16.40 «Мухбиримиз ҳикоя қиладилар».
17.10 «Уфқ». «Дадам, ойим ва мен — спортчилар оиласи».
18.10 Концерт.
18.25 «Агар соғлом бўлай десанг». 3-кўрсатув.
18.40 Хоккей бўйича «Швеция кубоги» халқаро турнири. СССР—Финляндия терма командалари. 2- ва 3-даврлар. Швециядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.15) — «Дунё воқеалари».
20.05 Концерт.
20.20 «Жадаллаштириш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Вақти келди» . Телефильм премьераси.
22.55 Концерт.
23.25 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Мовий гектарлар». Телефильм.
11.40 В. Луговской поэзияси.
12.20 «Москва бўйлаб саёҳат. Ленин проспекти». Илмий-оммабоп фильм.
12.40 «Шахмат мактаби».
14.40 «Йўлсиз жойларда». Илмий-оммабоп фильм.
14.55 «Звездочёт». Тележурнал.
15.30 Совет драматургиясида В. И. Ленин образи. М. Горький номли Ленинград театрининг «Такрор ва такрор ўқиб» спектакли саҳифаларида.
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.00—20.30 «Хайрли кун». Телефильм.
20.45 М. Шолохов. «Очилган қўрик». Романдан парчалар.
21.30 «Время».
22.05 «Кутилмаган меҳмон». Бадиий фильм.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун фильм. «Агапич».
18.20 «Ўқувчилар бригадасида».
19.00 «Биз — ватанпарвар-интернационалистлармиз» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Тонг куйчиси». Катталар учун мультфильм.
20.10 «Зулфия ҳақида сўз». Адабий кўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Қорнёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Экиш мавсуми кундалиги».
22.25 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм (Абдулла Қодирий туғилган куннинг 90 йиллигига).
23.50 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.25 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Ўқув программаси.
18.45 Телевизион театр. Ж. Голсуорси. «Ака-укалар» (такрорий).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси.
20.50 Ўқув программаси (рус.).
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 11. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар.
10.15 Москва шаҳридаги «ГПЗ-1» Маданият ва техника саройи «Русь» ашула ва рақс ансамблининг чиқиши.
10.35 «Жадаллаштириш». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
11.40 «Саёҳатчилар клуби».
12.40 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Байкалдаги ёдгорлик». Ҳужжатли фильм.
15.40 «Рус тили».
16.10 «Инсон — замин соҳиби». Кўрсатувни «Известия» газетасининг шарҳловчиси А. Ивашченко олиб боради.
17.10 «Спорт ҳафталиги».
17.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.25 «Агар соғлом бўлай десанг». 4-кўрсатув.
18.40 Хоккей бўйича «Швеция кубоги» халқаро турнири. Швеция — СССР терма командалари. 2- ва 3-даврлар. Швециядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.15) — «Дунё воқеалари».
20.05 Бутуниттифоқ конкурс лауреати В. Шчербаков чалади (балалайка).
20.20 «Жадаллаштириш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.10 Останкино концерт студиясида ўқитувчилар учун концерт.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Ўз баландлигингни топ». Ҳужжатли фильм.
12.05 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.30 Н. Думбадзе. Асарлари саҳифаларида.
15.30 «Космик аср. Солнома саҳифалари». 5-фильм. «Тинчлик ва дўстлик орбиталари».
16.30 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.15 Бошқирдистон АССР Давлат рақс ансамблининг концерти.
19.50 «Қурилиш ва архитектура».
20.00—20.30 Адабий ўқиш. К. Федин. «Илк қувончлар».
20.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак»—«Нефтчи». 2-тайм.
21.30 «Время».
22.10 «Китлар жўнаб кетаётганда». Телевизион бадиий фильм.
23.30 Гандбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. АСК (Минск) — «ЗИИ».

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Мультфильм.
10.30 «Бош конструктор». Ҳужжатли фильм. 1-серия (рус.).
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Менинг шаҳрим — Волжский». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси (рус.).
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Бирга бўлсак ҳаммамиз» (рус.).
19.10 «Песняри» билан йигирма минут». Фильм-концерт.
19.30 «Ахборот» (рус.).

ХОРАЗМ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

19.45 Болалар учун. «Моҳир қўллар».
20.05 «Жило бериб ишакка». «КПСС XXV съезди» номли Урганч ипак-йигирув фабрикасининг коллективи ҳақида телеочерк.

●

20.30 «Ахборот».

ХОРАЗМ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИ ПРОГРАММАСИНИНГ ДАВОМИ

20.50 «Достон ва ҳалфа қўшиқлари».
21.30 Москва. «Время».
22.10 ХОРАЗМ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИ ПРОГРАММАСИНИНГ ДАВОМИ. Қ. Омаров, Қ. Матризаев. «Қасам ва виждон». Оғаҳий номли Хоразм область мусиқали драма ва комедия театрининг спектакли.
23.45 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.35 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўқув программаси.
18.50 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
19.10 «Шаҳар меҳмонларни кутиб олмоқда» (рус.).
19.40 Тошкент янгиликлари.
20.00 «Иқбол». Сут соғувчи қизларнинг конкурс программаси (такрорий).
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 12. IV

КОСМОНАВТИКА КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 Мультфильмлар.
10.20 Ф. Шопен этюдлари.
10.50 «Жадаллаштириш». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
11.55 «Парвоздан кейинги мулоҳазалар». Космонавтларни узоқ парвозларга тайёрлаш ҳақида. Илмий-оммабоп фильм премьераси.
12.15 Эстония болалар хори куйлайди.
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 Кутанси шаҳар Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.
16.30 «Ҳаёт синовидан ўтган далиллар». Илмий-оммабоп фильм.
16.45 Концерт залида — мактаб ўқувчилари.
17.30 «Шахмат мактаби». Хатларга жавоблар.
18.00 «Миллионлар ленинча университети». Социалистик экономикани бошқариш.
18.30 «Агар соғлом бўлай десанг». 5-кўрсатув.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Космонавтика кунига. «Инсон. Ер. Коинот».
20.25 «Жадаллаштириш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 В. Панова. «Тўйимсан, тўй». Телеспектакль.
23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Қоратоғ: йигирманчи баҳор». Телефильм.
9.55 «Паррандалар ва жониворлар ўз уясида». Илмий-оммабоп фильм.
12.05 «Онамларнинг мактаби».
13.00 М. Шолохов. «Инсон тақдири».
14.15 Совет тасвирий санъати. Е. А. Кибрик.
15.05 «Ердаги излар». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Уз бахтимни излайман». Кўрсатувда Минск шаҳридаги ўрта мактаб ўқитувчиси Л. Смолик, Черкасов областидаги «Путь к коммунизму» колхозининг раиси В. Гонтар, ўқувчи И. Копец, КамАЗ ишчиси И. Лимонова иштирок этадилар.
19.30—20.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.55 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.05 «Номаълум тўсиқ». Бадиий фильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Мультфильм.
10.30 «Бош конструктор». Ҳужжатли фильм. 2-серия (рус.).
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Дўстлик хороводи». Болалар учун концерт (такрорий).
12.45 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Космонавтика кунига. «Эврика». Кинокўрсатув.
19.00 «Космонавт Владимир Жонибеков». Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан».
20.10 «Тулки, қундуз ва бошқалар». Катталар учун мультфильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР халқ артисти К. Орбелян раҳбарлигидаги Арманистон Давлат эстрада оркестрининг концерти. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Экиш мавсуми кундалиги».
22.25 Арманистон Давлат эстрада оркестрининг концерти (давоми).
24.00 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00 — 16.30 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Ёр ва юлдузлар». Телефильм.
18.35 «Сўнгги учрашув». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Классик куй саҳифалари».
19.00 Телефильм.
21.20 «Самолётлар ишончли қўлларда». Ҳужжатли фильм.
21.30 МТ II

ЖУМА, 13. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Концерт залида — мактаб ўқувчилари.
10.25 «Жадаллаштириш». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.
11.30 «Енгиш». Телефильм премьераси.
12.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Т. Тауэр чалади (арфа).
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар.
16.15 Харьковдаги «Серп и молот» заводи Маданият саройи гитарачилар ансамблининг концерти.
16.45 «Стадион ҳамма учун».
17.15 «Олимлар — Подмосковьенинг агросаноат комплексига».
17.45 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ўсмирлар ижоди».
20.05 «СССР Олий Советининг депутатлари ҳикоя қиладилар».
20.20 Хоккей бўйича «Швеция кубоги» халқаро турнири. ЧССР—СССР терма командалари. 2- ва 3-даврлар. Швециядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.00 «Сизни космонавтлар таклиф этади». Концерт.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Одам ва баландлик». Илмий-оммабоп фильм.
12.05 Илмий-оммабоп фильмлар.
14.00 «Сен қонунни биласанми?» (Совет гражданларининг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақида).
14.35 «Бу қайноқ олам». Илмий-оммабоп фильм.
14.55 «Драматургия ва театр». А. П. Чехов. «Чайка».
15.40 «Ишчилар синфи сафига кирар эканман...»
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 И. С. Бах. «Чакона». Гитарачи Н. Епес ижро этади (Испания).
19.05—20.30 «Улар йўлда учрашдилар». Бадиий фильм.
20.45 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестри чалади.
21.30 «Время».
22.00 Ҳужжатли фильмлар.
22.30 Гандбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «ЗИИ»—МАСК.
23.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Арарат» — «Динамо» (Киев). 2-тайм. Ереванда олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади...»
19.00 «Анъаналар ва замонавийлик». «Бизнинг маҳалла».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бузилмас иттифоқ...» «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Эстония телевидениесининг программаси.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бузилмас иттифоқ...», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Эстония телевидениесининг программаси (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Қалб ила адо этилган парвоз». ЎзССР халқ артисти Гули Ҳамроева иштирокида балет кечаси. А. Навоий номли Давлат академик Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган.
23.30 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.30 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Ўқув программаси.
18.45 Телефильм.
19.00 «Келди, кўрди... ва харид қилди». Телефильм.
19.30 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». СССР Олий Советининг депутати, Абу Райхон Беруний номли Тошкент политехника институтининг ректори К. Аҳмедов ҳақида телеочерк.
19.50 Реклама.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ҳовлимиздаги стадион» (рус.).
20.50 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

ШАНБА, 14. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Кенюклар» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти.
10.05 «Музей портрети». Телефильм.
10.30 «Спортлото»нинг 15-тиражи.
10.40 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.10 Халқаро конкурслар лауреати Ю. Вострелов чалади (баян).
11.35 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар».
11.55 И. Брамс. Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт.
12.35 «Улкан тақдир эгалари» туркуми дан телефильм премьераси.
13.05 «СССР Олий Советининг депутатлари ҳикоя қиладилар».
13.35 «Ёдингдами, ўртоқ...»
14.35 «Цирк майдонида».
14.55 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.25 «Дунё воқеалари».
15.40 «Поэзия». А. Жаров.
16.10 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телевизион конкурси.
16.50 Мультфильм.
17.45 Снёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
18.15 «Ҳайвонот оламида».
19.15 «Фитнанинг учи қаерга бориб тақалади...» Ҳужжатли фильм.
20.05 «Экранда — кинокомедия». «Ун иккинчи кеча».
21.30 «Время».
22.05 СССР халқ артисти Ю. В. Силантьев ижодига бағишланган кўрсатув.
23.05 «Ҳосилни йиғиб олиш пайти келди». Телефильм.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.25 Мультфильмлар.
10.00 «Пинега дарёси оқади». Телефильм.
10.20 «Тонгги почта».
10.50 «Саёҳатчилар клуби».
11.50 «Поэзия». Е. Винокуров.
12.45 «Олам кинокамера кўзгусида».
13.50 С. Грюнберг чалади.
14.10 СВЕРДЛОВСК ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
15.10 «Музикали киноск».
15.40 «Ака-ука Орбелилар». Телефильм.
16.30 «Здоровье».
17.15 «Ленинград баҳори» санъат фестивали.
18.45 Халқаро обзор.
19.00—20.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Металлист» — «Спартак». Харьковдан олиб кўрсатилади.
21.00 «ЦДКЖ» виолончелистлар ансамблининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Минск). 2-тайм.
22.45 «Трускавецга ким боради». Телевизион бадиий фильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Халқ оғзаки ижоди. Шоберди бахши Болта ўғли (такрорий).
11.30 Телевидение экранида биринчи марта. «Парвоз». Бадиий фильм. 1-серия (рус.).
12.45 «Тамарахоним». Фильм-концерт.
13.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».
14.15 «Замандас». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув (козоқ тилида).

* * *

17.50 Кўрсатувлар программаси.
17.55 Мультфильм.
18.05 «Мўъжизалар оламига саёҳат» (рус.).
18.55 Совет фани кунига бағишланган программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Экиш мавсуми кундалиги».
22.25 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган республика об-ластлари ва Қорақалпоғистон АССР телевидениеларининг телевизион программалари. М. Левнев. «Мангулик». Мусиқали драма. Ноллом. «Мангулик» мусиқали драма. Муаллифлари номли Ўзбек Давлат мусиқали театрининг спектакли.
00.15 Кўрсатувлар программаси.

● 18.00—21.30 ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ЯКШАНБА, 15. IV

СОВЕТ ФАНИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Бўлажак эркаклар учун кадрий ўйинлар». Телефильм.
10.05 «Будильник».
10.35 «Совет Иттифоқига саёҳат қиламан!»
11.35 «Здоровье».
12.20 «Тонгги почта».
12.50 «Қишлоқ янгиликлари».
13.50 «Музикали киоск».
14.20 «Альдермеш қишлоғи» операси». Ғ. Камол номли Ўзбек Давлат академик театрининг фильм-спектаклининг премьераси.
16.40 «Саёҳатчилар клуби».
17.40 Мультфильм.
17.50 «Халқаро панорама».
18.35 «Бугун — Совет фани куни».
19.05 «Табрикларимизни қабул этинг». Совет фани куни муносабати билан бағишланган мусиқа кўрсатуви.
19.50 «Душанбагача бир гап бор». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Дунё ва ёшлар».
22.40 Стол тенниси бўйича Европа чемпионати.
23.10 Н. Тихонов. «Йиллар ва йўллар». Телефильм.
23.55 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.20 Ҳужжатли фильм.
9.35 «Закарпатье жилолари». Концерт.
10.00 «Рус тили».
10.30 Телефильмлар.
11.10 СССР Давлат академик фонник оркестрининг концерти.
12.05 Мультфильм.
12.15 Чўлқуварлар ва студент қурилиш отрядлари иштирокчиларининг Останкино концерт студиясидаги учрашуви.
13.50 «Кинопанорама».
15.25 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
15.55 Мексика хонандаси, «Метрополитен-опера» солисти Рубен Сарно Андраде ва СССР халқ артисти В. Норейка концерти.
16.45 «Азизим». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.
17.55 Машҳур совет ижрочилари Ленин мукофотининг лауреатлари.
18.55 «Мўъжизасиз - мўъжизалар». Кинолова.
20.00—20.30 Давлат рус музейи. А. Венецианов, П. Федотов ҳамда улар яшаган давр рассомлари.
20.45 «Ерда, самода ва денгизда».
21.15 «Левокадия Масленникова куйлайди».
21.30 «Время».
22.05 «Ўтган кунлар комедияси». Бадиий фильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Парвоз». Бадиий фильм. 2-серия (рус.).
11.40 Мультфильм.
12.00 «Қувноқ стартлар».
13.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Студентлар саҳнасида».
14.05 «Ота-оналар университети».
14.35 «Бошқариш мактаби—тўпликни юритиш мактаби» (рус.).
15.05 «Ўзбекистон спорти».
15.35 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.45 «Мультипанорама».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Назм ва наво». Машраб лирикаси.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Назм ва наво». Машраб лирикаси (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пиллачиларнинг шу куни муҳим вазифалари».
22.20 «Ўта жиддий». Кинокомедия (рус.).
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● 15.00—21.30 ҚИРГИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!

Ўзбекистон ССР Телевидения ва радио эшиттириш Давлат комитети ўз программаларига ўзгаришлар киритиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
95-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕТАЛЛ БЎЙИЧА ТОКАРЬ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИНИ ТУЗАТИШ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТР-ПАЙВАНДЧИ, ОТК КОНТРОЛЁРИ, АВТОСЛЕСАРЬ.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар қабул қилинадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар учун ўқиш муддати 3 йил, ўрта маълумот билан кирганлар учун 1 йил.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини тугатганлар юқори малакали мутахассис бўлганликлари тўғрисида диплом оладилар ҳамда улар олий ўқув юртлари ва техникумларига кириб ўқишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида 3 йил ўқийдиганлар тўла давлат таъминотида бўладилар. 1 йил ўқийдиганларга эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юртида юқорида кўрсатилган ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган 6 ойлик курслар ташкил қилинади. Бу курсларда ўқиш группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), таржиман ҳоли, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, сўнгги иш жойидан (ўқиш жойидан) характеристика.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 17 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700077, Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Владимирский переулоги, 15-уй (17, 18-троллейбуслар, 1, 4, 17, 63, 102-автобуслар, 3, 13, 22-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекати, метронинг «М. Горький станцияси»).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/IV да **Кармен**, 8/IV да **Золушка** (12.00), **Иоланта** (19.30), 10/IV да **Бўрон**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/IV да **Парвона**, 8/IV да **Олтин девор**, 10/IV да **Келинлар қўзғолони**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/IV да **Тошболта ошиқ**, 8/IV да **Ватан ишқи** (12.00, 19.30), 9/IV да **Хотинимнинг эри**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
8 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА
БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ
ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ
КОНЦЕРТИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА
Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
НАРЗИДДИН ШЕРМАТОВ
IV Жаҳон фестивалининг лауреати
АНВАР РУСТАМОВ
Солистлар: Дадахон ҲАСАНОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Раҳимахон НОСИРОВА, Клара ИБРОҲИМОВА.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МЎМИНОВ.
Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

кино

8 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06), Янгиобод (тоқ соатларда, телефон 96-36-21).

«ҚОРАШАҚШАҚЛАР» СИРИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-65-84).

«ТАВИЗ» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«САРИҚ ГУЛ» — **Ш** (тоқ соатларда, телефон 47-70-69).

«ЛЮБОВЬ ОРЛОВА» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«РЕВАНШ», «ПОЛИЦИЯ КОМИССАРИ ВА КИЧИКТОЙ» — **Дружба** (11, 14, 20.00; 12, 15, 18, 21.00, телефон 66-15-75).

М. Қорнёқубов номли ўзбек давлат филармонияси
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
9, 10 АПРЕЛЬ, СОАТ 19.30 ДА
«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ
КОНЦЕРТИ
ПРОГРАММАДА:
«ҚУЛГИ ҚИРГАН УЙГА, ҚАЙҒУ ҚИРМАГАЙ»
(икки бўлимдан иборат сатира ва юмор эстрада томошаси)
Сценарий муаллифлари: Ҳайдарали УЗОҚОВ, Шерқўзи ҒОЗИЕВ.
ҚАТНАШАДИЛАР:
Солистлар: Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Аъзам ҒОЗИЕВ, Ғайбулла МЕЛИЗИЕВ, Малика ШАРИПОВА, Розия НАЗАРОВА, Санобар РАҲИМОВА, Ўсар ЮСУПОВ, Қурбонали ТИЛЛАЕВ, Насиба ЭСОНОВА.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Музика раҳбари Мирсалим МУҲАММАДЖОНОВ.
Программани—Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Зайниддин ОМОНОВлар олиб борадилар.

Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти Бош инспекциясининг чиқариш бошқармасининг автокомбинати коллективи навбатчи механик
Саъдулла АБДУЛЛАЕВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига тасалли изҳор қилади.

«Ўқитувчи» нашриёти коллективи нашриёт ходими Н. Зоҳидовага отаси
Саъдулла АБДУЛЛАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат медицина институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари халқ чолғу асбоблари кафедрасининг катта лаборанти З. М. Муллинага отаси
МАНСУР МУЛЛИНнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-51-шаҳар хўж